



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK
VAZIRLIGI

100031, Toshkent shahri Mirobod ko‘chasi 15-uy. Telefon: (+998 71) 239-41-21

№ 01/00-01/14-983
02 - Fevral 2024 y.

O‘zbekiston Respublikasi

Adliya vazirligiga

O‘zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksi, “Mehnatni muhofaza qilish to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 25-yanvardagi PF-14-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-noyabrdagi 712-son “Iste‘molchilar elektr qurilmalarini texnik ekspluatatsiya qilish qoidalarini va Iste‘molchilar elektr qurilmalarini ekspluatatsiya qilishda xavfsizlik texnikasi qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga asosan O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirining “Mebellar va yog‘och qurilish materiallarini tayyorlash va ta‘mirlashda mehnatni muhofaza qilish qoidalariga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i tayyorlandi.

Mazkur buyruq huquqiy ekspertiza va davlat ro‘yxatidan o‘tkazish uchun kiritilmoqda.

Ilova: varaqda.

Ijrochi: A.Sharapov

Tel: (97) 750-17-05

Vazir



Musayev B. A.

,

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг “Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғига

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

I. Буйруқни ишлаб чиқишнинг асосланиши

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “[Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида](#)”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон “[Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида](#)”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон “Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг “Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғи ишлаб чиқилди.

II. Буйруқни қабул қилиш зарурати

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 27 июль 47-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1999, 2009 йил 27 август) билан тасдиқланган Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “[Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида](#)”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон “[Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида](#)”ги Фармонига мувофиқлаштирилмоқда.

Бундан ташқари бошқа қонунчилик ҳужжатларига, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда

хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 712-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилмоқда.

III.Кутилаётган натижалар

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “**Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида**”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон “**Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида**”ги Фармони ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари мувофиқлаштирилишига эришилади.

Vazir



Musayev B. A.

**Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига
(рўйхат рақами 1999, 2009 йил 27 август) киритилаётган ўзгартиришлар бўйича
ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ**

Т/р	Амалдаги тахрир	Тақлиф этилаётган тахрир	Асос
1.	Мазкур Қоидалар <i>Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) Қонунига</i> мувофиқ мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.	Мазкур Қоидалар мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.	Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинган.
2.	8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг <i>(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-</i> моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган ташкилотларда <i>махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан</i> меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган ташкилотларда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади) . Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.	8. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 12- моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи , ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади. Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.	Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинган.

3.	9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига қўра ташкилотнинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунди ҳамда ташкилотнинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.	9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.	Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 12 моддаси талабларига мувофиқлаштирилмоқда.
4.	11. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.	11. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришларнинг 1-бандига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қайта номланди.
5.	34. Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхатига (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.	Чиқарилмоқда.	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 22-2019-к/к-сон, 79-сон “Аёллар меҳнати тўлиқ ёки қисман қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарорига (рўйхат рақами 865-1, 2019 йил 10 июнь) асосан ўз кучини йўқотган.

6.	36. Ташкилотларда ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) асосида амалга оширилиши лозим.	36. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.	Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сон “Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғининг (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) 2-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон “Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) ўз кучини йўқотган.
7.	37. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни маъмурият ишга қўймасликка ҳақлидир.	37. Мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни маъмурият ишдан четлаштириши шарт.	Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРҚ-798, 28.10.2022 й.) 360-моддасининг еттинчи қисми талабларига мувофиқлаштирилмоқда.
8.	61. Ташкилотда канализация тизими йўқ бўлганда Давлат санитар назорати органлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантирмасликка ва ишлаб чиқариш канализациясига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмали ахлат ўраларига рухсат этилади.	61. Ташкилотда канализация тизими йўқ бўлганда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ёки туман (шаҳар) бўлимлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантирмасликка ва ишлаб чиқариш канализациясига душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув оқмайдиган қурилмали ахлат ўраларига рухсат этилади.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон “ Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида ”ги фармонида мувофиқ ўзгартиришлар киритилмоқда.

9.	<p>258. Электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишлатиш вақтида «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари» (<i>рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль</i>) ва «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари» (<i>рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август</i>) талабларига риоя қилиш керак.</p>	<p>258. Электр қурилмаларини ва тармоқларини монтаж қилиш ва ишлатиш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилиш керак.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 712-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилмоқда.</p>
----	---	---	---

Vazir



Musayev B. A.

**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг
“Мебеллар ва ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни
муҳофаза қилиш қондаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги буйруғининг
Коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича**

Ч Е К Л И С Т

Йўналишлар	Коррупциявий омиллар	Жавоблар			Коррупциявий омил мавжуд норма ва унинг асоси
Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши	бор	йўқ		йўқ
	Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги	бор	йўқ		йўқ
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги	бор	йўқ		йўқ
Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Дискрецион ваколатларнинг кенглиги	бор	йўқ		йўқ
	Аниқ белгиланмаган ваколатлар	бор	йўқ		йўқ
	Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги	бор	йўқ		йўқ
	Давлат органи томонидан ўзининг ваколатига қирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши	бор	йўқ		йўқ
	Вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижрочида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги	бор	йўқ		йўқ
	Кечиктириб тартибга солиш	бор	йўқ		йўқ
	Манфаатлар тўқнашуви	бор	йўқ		йўқ
	Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши	бор	йўқ		йўқ
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш	бор	йўқ		йўқ
	Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номуаносибликлар	бор	йўқ		йўқ
Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	бор	йўқ		йўқ
	Белгиланган қондалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши	бор	йўқ		йўқ
	Ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги	бор	йўқ		йўқ
	Вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги	бор	йўқ		йўқ
	Тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги	бор	йўқ		йўқ
	Санкцияларнинг номуаносиблиги	бор	йўқ		йўқ
	Чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги	бор	йўқ		<i>Молиялаштиришни талаб этмайди</i>
Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги	бор	йўқ		йўқ
	Шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар	бор	йўқ		йўқ
	Давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги	бор	йўқ		йўқ

Vazir



Musayev B. A.

,